

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ТИЛГА ОИД СЎЗЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК ТАҲЛИЛИ  
(АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)

Эгамова Шоҳида Джалиловна

Низомий номидаги ТДПУ доценти, ф.ф.н.

Суханбердиева Ситора Санжар қизи

Низомий номидаги ТДПУ талабаси

**Аннотация:** Ушбу мақолада Алишер Навоий асарлари тилида қўлланилган қадимги туркий тилга оид феъл туркумли сўзларнинг мавзуй гуруҳлари ҳақида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** Алишер Навоий, қадимги туркий тил, лексема, феъл, категория, диахрон, синхрон, қиёсий-тарихий аспект, туб, ясама, субъектив ҳукм феъллари, симметрик нутқ феъллари, ҳолат феъллари.

Бизга маълумки, Навоий асарларида истеъмолда давом этган лексемаларнинг 557 таси (24%) ни феъл категориясига оид сўзлар ташкил этади. Агар биз адиб ижодида учровчи феъл ва феъл шакллариининг жами 844та<sup>71</sup>лигини ҳисобга олсак, қадимги туркий тилга хос феъллар шоир қўллаган иш-ҳаракатни англлатувчи лексик бирликларнинг тахминан 70% ини ташкил этиши равшанлашади. Эътироф этиш жоизки, зикр қилинаётган рақам таркибидан қўшма феъллар ўрин олган эмас.

Туркология ва ўзбек тилшунослигида феъл туркумининг категориялари атрофлича (ҳам диахрон, ҳам синхрон, ҳам қиёсий-тарихий аспектларда) ўрганилганлиги боис<sup>72</sup> биз ушбу бобда эски ўзбек тилига қадимги туркий тилдан мерос сифатида етиб келган феъл-лексемаларни туб ҳамда ясама сўзларга тақсимлаш ва улар ифодалаган маъно-мазмунни келтириш билангина чекланамиз. Биз томондан қайд этилган 557та феълнинг 183 таси (тахминан 30%) туб, қолган 374 таси эса ясама эканлиги маълум бўлди<sup>73</sup>.

<sup>71</sup> Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. –Тошкент: Фан, 1983. -Б.28.

<sup>72</sup> Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл замонлари тараққиёти. -Тошкент, 1976; Ўзбек тилида феъл майллари тараққиёти. -Тошкент, 1980; Фозилов Э.И. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. -Тошкент, 1965; Ҳожиёв А. Феъл.-Тошкент, 1973; Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – Тошкент, 1989; Ўзбек тили феълларининг семантик структураси. I-қисм. –Тошкент, 1991 ва бошқалар.

<sup>73</sup> Лексемаларни туб ҳамда ясама лексемаларга таснифлашда Севортян Э.В ҳамда Раҳматуллаев Ш. томонидан тузилган этимологик луғатларга мурожаат қилинди. Қаранг: Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. Том. I- IV.-М.: Наука, 1974-1989; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (Туркий сўзлар).-Тошкент: Университет, 2001.

Мазкур феъл-лексемаларни қуйидаги мазмун гуруҳларига ажратиш мақсадга мувофиқ:

I. Нутқ феъллари. Бу феъллар ўз навбатида яна бир қанча мавзуй гуруҳларга тақсимланади:

1) дэ=/тэ= “демоқ, айтмоқ” феъли;

2) сўзлов феъллари:

алда= “ёлғон сўзламоқ”, йалбар= “ёлвормоқ”, сўзлә= “сўзламоқ”, алқа= “мақтамоқ” ва ҳ.к.;

3) талаффуз феъллари:

бозла= “ҳазин овоз билан йиғламоқ”, чарла= “чақирмоқ”, иңрә= “йиғламоқ, нолимоқ”, йиғла= “йиғламоқ”, қычқыр= “қиқирмоқ”, сайра= “сайрамоқ”, сөк= “ҳақорат қилмоқ” ва ҳ.к.;

4) ифодалов феъллари:

айт= “айтмоқ”, билдүр= “билдирмоқ”, йалын= “ялинмоқ”, йалбар= “ёлвормоқ” ва ҳ.к.;

5) субъектив ҳукм феъллари:

бағишла= “бағишламоқ”, йазғур= “айбламоқ” ва ҳ.к.;

6) нутқий даъват феъллари:

буйур= “буюрмоқ”, сўзләт= “сўзлатмоқ”, ўндәт= “ундатмоқ; кўндирмоқ”, чорлат= “чақиртирмоқ” ва ҳ.к.;

7) симметрик нутқ феъллари:

сўзләш= “гаплашмоқ, гапиришмоқ”, айтыш= “баҳслашмоқ, сўзлашмоқ”, улуш= “нола чекмоқ” ва ҳ.к.<sup>74</sup>.

II. Ҳолат феъллари.

Мазкур феъллар ҳам ўз навбатида бир қанча кичик мавзуй гуруҳларга ажралади<sup>75</sup>:

1) давомли ҳолат феъллари:

йат= “ётмоқ”, йаша= “яшамоқ, ҳаёт кечирмоқ”, тур= “турмоқ”, ағна= “ағнамоқ”, тўш= “тушмоқ”, өрнәш= “жойлашмоқ” ва ҳ.к.;

2) ҳаракат натижаси ҳисобланмиш ҳолат феъллари:

йит= “йўқ бўлмоқ”, бузул= “бузилмоқ”, йайыл= “тарқалмоқ”, йарыл= “йиртилмоқ”, басыл= “енгилмоқ”, илин= “илинмоқ”, бўкүл= “энгашмоқ”, йықыл= “йиқилмоқ”, йығыл= “йиғилмоқ”, кэсил= “кесилмоқ”, тин= “тинчимоқ”, тэрил= “тизилмоқ”, сол= “сўлимоқ”, сөн= “ўчмоқ, сўнмоқ” ва ҳ.к.;

3) ижро ҳолати феъллари:

<sup>74</sup> Кўчкортов И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. –Тошкент: Фан, 1977. -168 б.

<sup>75</sup> Расуллов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. –Тошкент, 1989.

айа= “аямоқ, эҳтиёт қилмоқ”, арғада= “пойламоқ, сақламоқ”, бэркит= “мустаҳкамламоқ”, йашур= “яширмоқ, бекитмоқ”, тўзат= “созламоқ, тузатмоқ”, қайтар= “қайтармоқ”, қорқут= “қўрқитмоқ” ва ҳ.к.;

4) ҳаракатнинг ҳолати феъллари:

арыт= “покламоқ, тозаламоқ”, балала= “бола туғмоқ”, иси= “исимоқ”, аз= “адашмоқ” ва ҳ.к.;

5) малака ҳолати феъллари:

ынан= “инонмоқ, ишонмоқ”, өргән= “ўрганмоқ”, сығын= “топинмоқ, сажда қилмоқ” ва ҳ.к.;

6) образли ҳолат феъллари:

йалқы= “безамоқ”, көкрә= “гулдирамоқ”, ышна= “яшнамоқ, ялтирамоқ”, яңша= “эзмаланмоқ”, қутур= “қутурмоқ, меъёрдан чиқиб кетмоқ” ва ҳ.к.;

7) биологик ҳолат феъллари:

кэкир= “кекирмоқ”, қары= “кексаймоқ”, йаша= “ҳаёт кечирмоқ”, қуру= “қуримоқ”, улғай= “улғаймоқ”, той= “тўймоқ”, йықыл= “қуламоқ, ағдарилмоқ”, йазыл= “очилмоқ, гулламоқ” ва ҳ.к.;

8) физиологик ҳолат феъллари:

иглән= “бетобланмоқ, касалга чалинмоқ”, уйуқла= “ухламоқ”, эмгән= “машаққат, азият чекмоқ”, тын= “тинчланмоқ”, өл= “вафот этмоқ”, уйу= “ухламоқ” ва ҳ.к.;

9) руҳий ҳолат феъллари:

кўл= “кулмоқ”, йығла= “йиғламоқ”, қуван= “қувонмоқ”, қорқ= “қўрқмоқ”, сэвүн= “севинмоқ, шодланмоқ”, өксүн= “хафа бўлмоқ, ўксинмоқ” ва ҳ.к.

III. Ҳаракат феъллари: Ушбу мавзуй гуруҳга қарашли лексемаларни қуйидаги гуруҳларга ажратган ҳолда таснифлаш мумкин<sup>76</sup>:

1) горизонтал ҳаракат феъллари:

бар= “бормоқ”, йан= “қайтмоқ”, йўр= “юрмоқ”, ақ= “оқмоқ”, кэт= “кетмоқ”, тарқа= “тарқаб кетмоқ”, тэрил= “сафланмоқ, қаторга турмоқ”, чап= “чопмоқ” ва ҳ.к.;

2) тик ҳаракат феъллари:

йағ= “ёғмоқ”, уч= “учмоқ, кўтарилмоқ”, мин= “минмоқ”, бат= “ботмоқ”, йүкүн= “таъзим қилмоқ”, ас= “осмоқ”, сэкри= “сакрамоқ”, сэкрит= “сакратмоқ” ва ҳ.к.;

<sup>76</sup> Содикова М. Ҳозирги ўзбек адабий тилида феъл стилистикаси (семантик аспектда): Филол. фан. д-ри ... дисс. -Тошкент, 1991; Муҳаммедова С. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантикаси ва валентлиги. – Тошкент: Фан, 2005. –Б.3-9.

3) айланма ҳаракат феъллари:

чэврўл= “айланмоқ”, ағна= “думаламоқ, ағнамоқ”, бағла= “туғмоқ, боғламоқ”, бағлан= “солмоқ, боғланмоқ”, боғлат= “бекитмоқ”, бур= “бурмоқ”, кэз= “айланиб юрмоқ, кезмоқ, сайр қилмоқ”, эвр= “айлантирмоқ”, эврўл= “айланмоқ, чарх урмоқ”, эврўш= “бирга айлантирмоқ, бериб юбормоқ, қайтармоқ”, эг= “эгмоқ”, эгил= “эгилмоқ” ва ҳ.к.;

4) тебранма ҳаракат феъллари:

тэбрән= “тебранмоқ”, тэбрә= “қимирламоқ, тебранмоқ”, тэбрät= “тебратмоқ, қимирлатмоқ”, тэврән= “қимирламоқ, тебранмоқ”, толған= “тўлғанмоқ” ва ҳ.к.

IV. Юмуш феъллари сирасига кирувчи лексик бирликлар<sup>77</sup>:

йув= “ювмоқ”, тара= “тарамоқ”, тақ= “тақмоқ”, тэр= “йиғмоқ, термоқ”, тик= “тикмоқ”, тўг= “туғмоқ”, тўк= “тўкмоқ”, тоғра= “тўғрамоқ”, арт= “артмоқ, покламоқ”, сағ= “соғмоқ”, сува= “сувамоқ, бўямоқ”, супур= “супурмоқ, тозаламоқ”, сурт= “суртмоқ”, сўй= “сўймоқ, шилмоқ (терини)” ва ҳ.к.

V. Сезги феъллари гуруҳига тегишли феъл - лексемалар<sup>78</sup>:

сэз= “сезмоқ”, ағры= “оғримоқ”, қабар= “қавармоқ, шишмоқ”, қорқ= “қўрқмоқ”, ачит= “ачитмоқ” ва ҳ.к.

VI. Кўрув феъллари<sup>79</sup>:

бақ= “назар ташламоқ, қарамоқ”, көр= “кўрмоқ”, көрўл= “кўрилмоқ, назардан ўтказилмоқ”, көргүз= “кўрсатмоқ”, тик= “қарамоқ, кўз тикмоқ”, тэлмўр= “термулиб қарамоқ”, таны= “танимоқ, билмоқ” ва ҳ.к.

VII. Ейиш-ичиш маъносига алоқадор феъллар:

йут= “ютмоқ”, той= “тўймоқ”, тойғар= “тўйғизмоқ, тўқламоқ”, сўмўр= “симираммоқ”, ич= “ичмоқ”, йэ= “емоқ, овқатланмоқ”, тат= “татиб кўрмоқ” ва ҳ.к.

VIII. Тақлид асосида вужудга келган феъллар:

иңрә= “инграмоқ”, мўңлән= “қайғуга тушмоқ”, бөзлә= “қаттиқ йиғламоқ” ва ҳ.к.

IX. Эшитиш феъллари:

таңла= “таажжубланмоқ, ажабланмоқ”, эшит= “эшитмоқ, қулоқ солмоқ”, эшитил= “эшитилмоқ”. Илк марта “Қутадғу билиг” да

<sup>77</sup> Шарипова Ў. Ўзбек тилида юмуш феълларининг маъно валентлиги: Филол. фан. ном. дисс. ... автореф. – Тошкент, 1996. -21 б.

<sup>78</sup> Мусаев Т. Ўзбек тилида сезги феъллари: Филол. фан.ном. ... дисс. -Тошкент, 1992. -167 б.

<sup>79</sup> Сиддиқов З. Ўзбек ва турк тилларида кўрув лексемалари семантикаси: Филол. фан. ном. ... дисс. -Тошкент, 2000. -166 б.

қўлланган (ДТС, 568) ва ҳозирги ўзбек тилида фаол ишлатилаётган тилда= феъли Навоий асарларида қайд этилмади.

X. Давомли ҳаракат феъллари:

олтур= “ўтирмақ”, чал= “чалмақ”, ойна= “ўйнамақ”, ол= “бўлмақ”, бол= “бўлмақ, мавжуд бўлмақ”, қал= “қолмақ” ва ҳ.к.

XI. Ҳаракатнинг тўла бажарилишини ифодаловчи феъллар:

бас= “яксон қилмақ”, басыл= “яксон қилилмақ”, бузул= “бузулмақ, яксон қилилмақ”, булған= “ифлос қилилмақ”, бўл= “бўлмақ, тақсимламақ”, чық= “чықмақ”, өт= “кечмақ, ўтмақ”, йыбар= “юбормақ, жўнатмақ, йўлмақ”, ташла= “қолдирмақ, ташламақ” ва ҳ.к.

XII. Ҳаракатнинг субъект томонидан бажарилишини ифодаловчи феъллар:

а) –т (-ыт /- ит // -ут / -ўт) аффиксли феъллар: ағнат= “ағнатмақ”, қабарт= “қавартирмақ, шиширмақ”, қарарт= “қорайтирмақ”, қызарт= “қизартирмақ”, тарқат= “тўзирмақ, тарқатмақ”, титрät= “титратмақ” ва ҳ.к.;

б) –р (-ар / -är // -ур / -ўр) аффиксли феъллар: қайтар= “қайтармақ”, қачур= “қочирмақ”, тэгүр= “тегизмақ” ва ҳ.к.;

в) –ғыз / -гиз // -қыз / -қиз аффиксли феъллар: турғуз= “турғизмақ”, йутқуз= “юттирмақ” ва ҳ.к.;

г) –дур / -дүр // -тур / -түр аффиксли феъллар:

атландур= “отлантирмақ, сафарга тайёрламақ”, йүгүртүр= “югиртирмақ, чоптирмақ”, йүкүндүр= “таъзим қилдирмақ” ва ҳ.к.;

д) –з аффиксли феъллар:

ақыз= “оқизмақ”, тамыз= “томчилатиб қўймақ, томизмақ” ва ҳ.к.;

е) –қар /- кәр// -ғар / -гәр аффиксли феъллар:

өткәр = “жўнатмақ, кузатиб қўймақ”, көнғар= “тўғриламақ, ағдармақ”, тойғар= “тўйдирмақ” ва ҳ.к.

XIII. Иш-ҳаракатнинг субъектлар томонидан бажарилишини ифодаловчи феъллар:

тоқуш= “урушмақ”, талаш= “талашмақ”, уруш= “савашмақ, урушмақ”, сөзләш= “таплашмақ, суҳбатлашмақ”, көрүш= “кўришмақ”, өчәш= “ўчакишмақ, душманлашмақ” ва ҳ.к.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, қиёсий-тарихий аспектда олиб борилган лингвостатистик таҳлил Навоий асарларида истъмолда бўлган 26000 дан ортиқ сўз хазинасидан 1400 атрофида қадимги туркий тил (ва эски туркий тил)га хос кўҳна туб (асл туркийча) лексемаларнинг муносиб ўрин олганлигини кўрсатади. Қадимги туркий сўзларнинг негизини (тахминан 50%) нарсаларнинг атовчи ҳамда

нарсa-предмет ҳаракати белгисини ифодаловчи лексик бирликлар ташкил этади.

### **ҲОЙДАЛЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. –Тошкент: Фан, 1983. -157 б.
2. Мусаев Т. Ўзбек тилида сезги феъллари: Филол. фан.ном. ... дисс. -Тошкент, 1992. -167 б.
3. Муҳаммедова С. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантикаси ва валентлиги. –Тошкент: Фан, 2005. –19.б.
4. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (Туркий сўзлар).-Тошкент: Университет, 2001.
- 5.Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. –Тошкент, 1989.
- 6.Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. Том. I-IV.-М.: Наука, 1974-1989.
- 7.Содиқова М. Ҳозирги ўзбек адабий тилида феъл стилистикаси (семантик аспектда): Филол. фан. д-ри ... дисс. -Тошкент, 1991.
- 8.Фозилов Э.И. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси.-Тошкент, 1965. -170 б.
- 9.Шарипова Ў. Ўзбек тилида юмуш феълларининг маъно валентлиги: Филол. фан. ном. дисс. ... автореф. –Тошкент, 1996. -21 б.
- 10.Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл замонлари тараққиёти. - Тошкент, 1976.
11. Шукуров Ш.Ўзбек тилида феъл майллари тараққиёти. -Тошкент, 1980.
12. Ҳожиёв А. Феъл.-Тошкент, 1973; Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. –Тошкент, 1989.
- 13.Ҳожиёв А. Ўзбек тили феълларининг семантик структураси. I-қисм. –Тошкент, 199.